

**Тожибоева Севара Хайруллаевна,**  
Қўқон давлат педагогика институти «Табиий  
фанлар» факультети «Биология ўқитиш  
методикаси» кафедраси ўқитувчиси

## БИОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ ТАБИАТ ВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА ОИД ҚАРАШЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ

### **ТОЖИБОЕВА С.Х. БИОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ ТАБИАТ ВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА ОИД ҚАРАШЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ**

Мақолада умумтаълим мактабларининг биология фани дарслари ўқув дастурига киритилган муайян мавзулар бўйича Абу Али ибн Синонинг қарашларидан фойдаланиш самарали натижа бериши таъкидланган. Шунингдек, ўқувчиларда табиат ва инсон саломатлигига оид билимларнинг шаклланиши натижасида, улар тарбиясида атроф-муҳит, табиатга масъулиятли муносабатда бўлиш кўникмалари таркиб топиши қайд этилган.

Таянч сўз ва иборалар: биология фани, дарслар, ўқув дастури, қарашлар, фойдаланиш, натижа, ўқувчилар, табиат, инсон, саломатлик, билим, шаклланиш, тарбия, кўникма.

### **ТАДЖИБАЕВА С.Х. МЕТОДЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ НА УРОКАХ БИОЛОГИИ СУЖДЕНИЙ АВИЦЕННЫ О ПРИРОДЕ И ЗДОРОВЬЕ ЧЕЛОВЕКА**

В статье подчеркивается, что использование учения Авиценны по конкретным темам, включенным в учебную программу предмета биологии в общеобразовательных школах, будут эффективными. Также отмечается, что в результате накопления знаний о природе и здоровье человека в воспитании учащихся будут формироваться навыки ответственного отношения к природе и окружающей среде.

Ключевые слова и понятия: предмет биологии, уроки, учебная программа, использование, результат, учащиеся, природа, человек, здоровье, знание, формирование, воспитание, навык.

### **TOJIBOYEVA S.H. AVICENNA'S NATURE AND HUMAN'S HEALTH STUDY METHODS IMPLEMENTATION ON LESSONS OF BIOLOGY**

The article emphasizes that the Avicenna's views implementation on specific topics of biological science courses in the general school curriculum would be effective. It is also reported that as a result of the formation of knowledge about nature and human health, students are trained in environmental education and responsible attitude towards nature.

Keywords: biological science, lessons, educational program, idea, pupil, nature, human, health, knowledge, developing, education, practice.

**Таълим мазмунига миллий ва умуминсоний қадриятлар ғояларини сингдириш асосида ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш тарбия жараёнининг долзарб вазифаларидан биридир.**

Глобаллашув даврининг энг муҳим муаммоларидан бири – ўқувчиларни инсон саломатлиги ва табиатга оид хавфни бартараф этишга имкон берувчи билимлар билан қуроллантиришдир.

Ўқувчиларда инсон саломатлиги ва табиатни асрашга оид фикрларни вужудга келтиришда хулқ-атвор сифатларининг шаклланиши ва мустаҳкамланишида муҳим ўрин тутувчи муайян имкониятлар мавжуд. Шу жумладан, биология дарсларида ўқувчиларни Ўрта Осиё алломаларининг инсон саломатлиги ва табиатни асрашга оид қарашлари билан таништириш муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчилар онгида ўрта осиелик буюк алломаларнинг инсон саломатлиги ва табиатни асрашга оид қарашларига асосланган билимларни ҳосил қилиш уларда атроф-муҳит, табиатга масъулиятли муносабатда бўлиш кўникмаларини тарбиялайди. Ўқувчиларга биология дарсларида инсон саломатлигига оид билимларни беришда Ўрта Осиё алломаларининг инсон ва табиатга оид ғояларидан фойдаланишда икки муҳим ҳолат юзага келади:

1) улар инсон саломатлигига оид ғояларни ифода этувчи намуналари билан танишадилар;

2) уларда атроф-муҳит ҳолатини яхшилашга масъулиятли бўлиш, табиатни асраб-авайлаш тўғрисидаги билим ва кўникмаларни ўзлаштирадилар.

Ўқувчиларда инсон саломатлиги ва табиатни асрашга оид тушунчаларни шакллантиришда Абу Али ибн Сино асарлари методологик аҳамиятни касб этади. Аллома томонидан яратилган асарларнинг сони 450 дан ортиқ бўлиб, уларнинг 80 дан ортиғи табиат ва инсоннинг унга бўлган муносабати масаласига бағишланган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Алиқулова М.М. Бўлажақ ўқитувчиларда экологик маданиятни шакллантириш (Ўрта Осиё алломаларининг экологияга оид қарашлари асосида). Монография. – Т.: «Фан», 2010. -117-б.

Абу Али ибн Синонинг ер юзасидаги табиий жараёнлар даврлар ўтиши билан ўзгаришига оид ғоялари биология фанининг ривожини учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, ўрта таълим муассасаларининг 10-синфи ўқувчиларига мўлжалланган биология дарслигида қайд этилган «Ҳаётнинг организм даражасидаги умумбиологик қонуниятлар» деб номланган IV бобига тегишли «Генетик ва инсон саломатлиги» мавзуси мазмунини такомиллаштиришда ташқи муҳитнинг киши организмига кўрсатадиган таъсири, инсон саломатлигини сақлаш, парҳез, шахсий гигиена тўғрисидаги масалалар аллома томонидан яратилган «Тиб қонунлари» асарига сингдирилган муҳим ғоялар сирасига киради. Алломанинг инсон танасида касалликларни келтириб чиқарувчи омиллардан бири сув, ер ва ҳавода мўътадилликнинг бузилиши билан боғлиқлиги, яшаш жойларининг торлиги, озода бўлмаслиги, юқумли (мохов, чечак, вабо иситмаси, йиринг, тошма каби) касалликларнинг тез тарқалиши учун қулай шароит яратиши, юқумли касалликларнинг аҳоли зич жойлашган жойларда ҳаво ва бошқа омиллар орқали юқишига доир илмий хулосалари, ҳозирги даврда ҳам муҳим ижтимоий, тарбиявий аҳамиятга эгадир. Мутафаккирнинг «Агар ҳавода чанг ва ғубор бўлмаганида эди, инсон минг йил умр кўрган бўлар эди» деган машҳур фикри эса ўқувчиларда ҳавони ифлослантирмаслик, атроф-муҳитни озода сақлаш ва табиатга зиён етказмасликга оид кўникма ва малакаларга эга бўлишларига ёрдам беради.

Олимнинг фикрича, инсон табиатан моддий ҳаёт манбаларини ўзлаштирибгина қолмай, балки руҳий ва жисмоний қувват ҳам олади<sup>2</sup>. Шунингдек, мутафаккир айрим касалликларни даволашда табиий манбалар, хусусан, қум, тупроқ, сув ва ўсимликлардан сама-

<sup>2</sup> Ўша жойда.

рали фойдаланиш зарурлигини уқтириб, илмий асосланган тавсиялар беради.

Ибн Сино «Тиб қонунлари» асарида касалликларни даволаш, улардан фориғ бўлиш усулларини кўрсатган ва бу жараёнда инсон саломатлиги учун жисмоний тарбиянинг аҳамиятини ҳам асослаб берган. Аллома ўсмирликда соғлигини сақлашнинг энг муҳим омиллари сифатида қуйидагиларни эътироф этган:

- бадантарбия;
- тўғри овқатланиш ва дам олиш;
- етарли ва самарали бўлган уйқу<sup>1</sup>.

Мутафаккир бадантарбияни кишининг ёши, саломатлиги ва касаллиги ҳолатини ҳисобга олиб, турли усулларда ўтказиш кераклигини таъкидлайди. Айниқса, болалик, ўсмирлик, йигитлик ва қарилик даврида инсон жисмоний машғулотларга турлича муносабатда бўлиш керак. Ибн Сино таъкидлайдики, «Жисмоний машқ кишининг кетмакет чуқур нафас олишига мажбур қиладиган ихтиёрий ҳаракат» эканлигини қайд этган ҳолда мунтазам равишда бадантарбия билан шуғулланган кишига дард яқин йўламаслиги, табибга ҳам, дори-дармонга ҳам муҳтожлик сезмаслигини қайд этади.

Аллома болалар томонидан бадантарбия бажарилаётган жараёнда қуйидаги уч ҳолатга алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлайди:

1. Терининг рангига – агар у яхшилана борса, машқларни давом эттириш мумкин, агар тер чиқа бошласа, ҳаракатни тўхтатиш лозим.

2. Машқларнинг енгиллигига – жисмоний машғулот давомида киши танаси енгил бўлиб турса машқни давом эттириш мумкин.

3. Аъзоларнинг ҳолатига – агар уларнинг кўпчиши давом этса, машқни давом эттириш

мумкин, агар кўрсатилган белгилар йўқола борса, машқни дарҳол тўхтатиш керак<sup>2</sup>.

Улуғ алломанинг бадантарбияни самарали ва узлуксиз ташкил этишга оид тавсиялари билан ўқувчиларни таништириш ва уларда жисмоний фаоллик, бадантарбия кўникмаларини шакллантириш уларнинг ҳар томонлама етук бўлиб вояга етишларига ёрдам беради.

Абу Али ибн Сино бадантарбиянинг турли кўринишлари ва улардан инсон саломатлигини мустаҳкамлашда қандай фойдаланиш йўллари ҳам кўрсатиб берган. Олим бадантарбия машқларини қуйидаги гуруҳларга бўлади: «Кичиги ва каттаси, жуда кучли ва кучсиз, тез ва суст ёки тез ва шиддатли ҳаракатлардан иборат ёхуд суст тури»<sup>3</sup>. Аллома болаларнинг бадантарбия билан шуғулланишлари учун қулай бўлган вақтларни ҳам тавсифлаган. Чунончи, бадантарбия учун баҳор фаслида тушга яқин вақт қулай бўлиб, машқ ўртача ҳароратли уйда бажарилиши, ёзда эрталаб, қишда эса кечқурун жисмоний машқлар билан шуғулланиш мақсадга мувофиқдир. Мутафаккирнинг фикрича, бадантарбия билан шуғулланишда яна қуйидаги шартларга ҳам риоя қилиш зарур: қишда уйни ўртача ҳароратда иситиш, машқларни овқат ҳазм бўлгач амалга ошириш тиббий жиҳатдан тўғри саналади.

Биология фани дарслигининг «Ҳаётнинг организм даражасидаги умумбиологик қонуниятлари» номли IV бобининг «Ҳаётнинг организм даражаси ва унинг ўзига хос жиҳатлари» мавзуси бўйича дарс қуйидагича ташкил этилиши тавсия этилади. Дарс мавзуси бўйича суҳбат ташкил этилиб, унда ўқитувчи кўргазмали қуроллар ёрдамида ўқувчиларга нафас олиш органлари, ўпка ва унинг вазифалари ҳақидаги маълумотларни беради. Дарсда Ўрта Осиё алломаларининг

<sup>2</sup> Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. I жилдлик сайланма. / Тузувчилар: У.Каримов, Х.Хикматуллаев. - Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1996. -542-б.

<sup>3</sup> Алиқулова М.М. Бўлажақ ўқитувчиларда экологик маданиятни шакллантириш (Ўрта Осиё алломаларининг экологияга оид қарашлари асосида). Монография. – Т.: «Фан», 2010. -117-б.

<sup>1</sup> Алиқулова М.М. Бўлажақ ўқитувчиларда экологик маданиятни шакллантириш (Ўрта Осиё алломаларининг экологияга оид қарашлари асосида). Монография. – Т.: «Фан», 2010. -117-б.

ташқи муҳитнинг инсон организмга кўрсатадиган таъсирлари ва инсон саломатлигини сақлашга оид қарашларидан фойдаланишга эътибор қаратилади. Жумладан, Абу Али ибн Сино кўмир газининг зарарли хусусиятини биринчи бўлиб илмий жиҳатдан тавсифлаган: «Кўмир ҳиди миқдори билан эмас заҳарлилик қуввати ҳисобига мияни қиздиради, қуритади ҳамда унинг қувватини заифлаштиради»<sup>1</sup>, деб таъкидлаган.

Таъкидлаш лозимки, ҳавонинг таркибида чанг ва ҳамма вақт турли микроблар мавжуд бўлади. Чанг ҳаво таъсирида инсон саломатлигига салбий таъсир этади, натижада турли юқумли касалликлар келиб чиқади. Ибн Синонинг табиатни асраб-авайлашга доир илмий қарашларидан фойдаланиш ҳам ўқувчилар учун амалий аҳамият касб этади.

Табиатни асл ҳолича асраш тўғрисида кишилар қадимдан ўйлаб келганлар. Агар аждодлар табиатни асрашга бефарқ қараганларида эди, табиат ҳозирги ҳолатида бўлмаган бўларди. Бугунги кунда ҳаво, сув ва тупроқ борган сари ифлосланиб бормоқда. Айрим завод ва фабрикалар ҳавони чанг ва заҳарли тутунлар билан ифлослантиради, сув ҳавзалари ва тупроққа эса зарарли моддалар тушади. Агар табиат чанг ва тутун билан қопланса, табиий бойликлар инсонлар эҳтиёжлари учун қириб ташланса, ҳайвонат дунёси кўпаймайди, ўсимликлар ўсмайди.

Ҳозирги даврда далалардан кўп ҳолларда ўсимликлар илдизи билан юлиб олинади, ҳайвонлар мўйна ва гўшти учун тобора кўпроқ овланмоқда. Республикамиз ҳудудида илгари лола, чиннигул, тоғ эчкиси, капча илон ва кичик бурғулар тез-тез учраб турган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони кескин камайган. Улуғ бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур табиатнинг ўша давридаги ҳолатини қуйидагича тасвирлайди: «Сайхун дарёсининг Ахси тарафи дашттур. Оқ кийиги бисёр бўлур. Андижон тарафи жангалдур. Буғу-морал, қирғовул ва товушқони кўп

топилур»<sup>2</sup>. Эндиликда далаларда оқ кийик, буғу-морал, қирғовул ва товушқонлар йўқ ҳисоб, уларни фақатгина қўриқхоналардагина учратиш мумкин. Тобора йўқолиб бораётган ёки йўқ бўлиб кетган ҳайвонлар, қушлар ва ўсимликлар ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг «Қизил китоб»ига киритилган.

Бу каби салбий кўринишлар ўсимликлар, ҳайвонлар ва одамлар ҳаётидаги уйғунликни бузади.

Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-синф «Биология» дарслигида келтирилган «Ҳаётнинг тур ва популяция даражасидаги умумбиологик қонуниятлар» деб номланган IV бобига тааллуқли «Эволюцион ғояларнинг пайдо бўлиши» мавзуси мазмунига самарали сингдириш мумкин бўлган яна бир ғоя – Ибн Синонинг сув, ер ва ҳавонинг мунтазам ифлосланиши, инсон яшаш жойларининг озода бўлмаслиги турли юқумли касалликлар (мохов, чечак, вабо, йирингли тошмалар ва бошқалар)нинг тез тарқалиши учун қулай шароит яратиши ҳақидаги фикридир.

Биология фани предметида доир ўқув дарслигидаги материални ўрганиш жараёнида юқорида қайд этилган бобнинг «Яшаш учун кураш ва унинг турлари» мавзусидаги «Организмлар орасидаги муносабатлардан инсоннинг фойдаланиши» банди мазмунини такомиллаштиришда ўқувчилар саломатлигида учраши мумкин бўлган муаммолар ечими учун ҳуқуқий билимларни интеграция усуллари асосида сингдириш мақсадга мувофиқ. 1-жавдалда Абу Али ибн Сино таълимотидан фойдаланишнинг интеграцион усуллари келтирилган.

Ўқувчилар саломатлигини муҳофаза қилишнинг самарали йўлларида яна бири – турли зарарли одатларни ўзлаштирмаслик (масалан, спиртли ичимликлар ва наркотик моддаларни истеъмол қилмаслик, тамаки маҳсулотларини чекмаслик) зарурлиги ўқувчиларга алоҳида уқтирилади. Зарарли одатлар инсон организмда турли касалликларни келтириб чиқаришига алоҳида урғу берилди.

<sup>1</sup> Алиқулова М.М. Бўлажақ ўқитувчиларда экологик маданиятни шакллантириш (Ўрта Осиё алломаларининг экологияга оид қарашлари асосида). Монография. – Т.: «Фан», 2010. -117-б.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

**1-жадвал. 10-синф Биология фани дарсларида Абу Али ибн Сино таълимотидан фойдаланишнинг интеграцион усуллари<sup>1</sup>**

№	Мавзулар	Дарслигидаги мавзулар мазмунига оид таълимотлар
1.	IV боб. Ҳаётнинг организм даражасидаги умумбиологик қонуниятлар. 24-§. Генетик ва инсон саломатлиги.	Инсон танасида касалликларни келтириб чиқарувчи омиллардан бири сув, ер ва ҳавода мўътадилликнинг бузилиши билан боғлиқлиги, юқумли касалликларнинг аҳоли зич жойлашган жойларда ҳаво ва бошқа омиллар орқали юқиши. «Агар ҳавода чанг ва ғубор бўлмаганида эди, инсон минг йил умр кўрган бўлар эди».
2.	IV боб. Ҳаётнинг организм даражасидаги умумбиологик қонуниятлари. 12-§. Ҳаётнинг организм даражаси ва унинг ўзига хос жиҳатлари.	«Кўмир ҳиди миқдори билан эмас заҳарлилик қуввати ҳисобига мияни қиздиради, қурилади ҳамда унинг қувватини заифлаштиради»
3.	IV боб. Ҳаётнинг тур ва популяция даражасидаги умумбиологик қонуниятлар. 37-§. Эволюцион ғояларнинг пайдо бўлиши.	Сув, ер ва ҳавонинг ифлосланиши, яшаш жойларининг торлиги, озода бўлмаслиги турли юқумли касалликлар (мохов, чечак, вабо, йирингли тошмалар ва бошқалар)нинг тез тарқалиши учун қулай шароит яратишини, шунингдек, юқумли касалликлар кўп ҳолларда аҳоли зич жойлашган жойларда кенг тарқалади.
4.	V боб. Ҳаётнинг тур ва популяция даражасидаги умумбиологик қонуниятлар. 37-§. Эволюцион ғояларнинг пайдо бўлиши	Ø доимо шахсий гигиена (имкон қадар шахсий буюмлардан фойдаланиш, жуда яқин бўлмаган кишилар билан ўпишиб саломлашмаслик, ҳожатхонадан чиққандан сўнг албатта қўлни ювиш); Ø оддий санитария қоидалари (меваларни ювиб истеъмол қилиш, овқатланишдан аввал қўлларни совунлаб ювиш; Ø турар-жойларни озода тутиш, озик-овқат маҳсулотларини фақатгина махсуслаштирилган дўконлардан харид қилишга риоя қилиш.

Дарс жараёнида Абу Али ибн Сино таълимотининг таълим, шу жумладан, биология фани тараққиётидаги беқиёс амалий аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади.

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, умумтаълим мактабларининг биология фани дарслари мазмунини такомиллаштиришда мунтазам Ибн Сино асарларига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, биология дарслари мавзулар бўйича мутафаккирнинг табиат ва инсон саломатлигига оид қарашларини ўқувчиларга етказиб беришда интеграцион (гуманитар фанлар, география, биология) таълим асосида ёндашиш ижобий натижаларни беради.

Иккинчидан, ўқувчиларга биологияга доир билимларни бериш жараёнида, мамлакатимизда янги ривожланиш босқичида (ўқувчи яшаётган ҳудуд мисолида ҳам) табиатни асраш, флора ва фаунани сақлаш ва унинг инсон саломатлиги учун аҳамиятга молик ишларидан мисоллар келтириш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, биология дарсларида Ибн Сино асарлари нусхаларини ўқувчиларга кўрсатиш, намойиш этиш, аллома ижодига доир кўргазмалар материал, плакат, ўқув ва ҳужжатли фильмлардан фойдаланиш ўқувчиларнинг биология фанига бўлган қизиқишини кучайтиради.

Тўртинчидан, Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асарининг бутун дунёга машҳурлиги, жаҳондаги етакчи университетларда дарслик сифатида фойдаланиб келинаётганлигини таъкидлаш ўқувчиларда ватанпарварлик ва ғурур ҳиссини кучайтиради, келажакда илм-фан билан шуғулланишга ундайди.

Бешинчидан, ўқувчи учун муҳим бўлган инсон саломатлиги, яъни унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги фаоллигини таъминловчи асосий омиллардан бири эканлигининг буюк мутафаккир Абу Али ибн Сино фикрлари асосида тушунтирилиши уларнинг биология фанига бўлган қизиқишини орттиради ва ўқувчиларнинг фан бўйича ўзлаштиришини яхшилайдди.

<sup>1</sup> Жадвал мақола муаллифи томонидан тайёрланган.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Адолат», 2016. -56-б.
2. Алиқулова М.М. Бўлажак ўқитувчиларда экологик маданиятни шакллантириш (Ўрта Осиё алломаларининг экологияга оид қарашлари асосида). Монография. – Т.: «Фан», 2010. -117б.
3. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. I жилдлик сайланма. / Тузувчилар: У.Каримов, Х.Хикматуллаев. - Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1996. –542-б.